O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

NAVOIY VILOYATI HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

# РЕШЕНИЕ

ХОКИМА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi 77A

г.Навои ул.Халклар Дустлиги 77А

«9» Январь 2014 y.(г). № К-5

**2014 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланиш учун 1 квадрат метрга ижара тўловининг ягона энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2013 йил 19 декабрдаги 04/14-1444-сонли хати ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Молия ва Иқтисотиёт вазирликлари ўртасида келишилган 2014 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини инобатга олган ҳолда

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қуйидагилар:

2014 йилда Навоий вилоятида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўловининг ягона энг кам ставкаси 25 фоизга камайтирилиши белгиланган аҳоли пунктлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Навоий вилоят давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК (Мадалиев) ижара ҳақи қийматини белгилашда иловада кўрсатилган кўчмас мулк учун қўлланиладиган энг кам ставкаларидан таянч сифатида фойдалансин ҳамда вилоят ҳокимининг 20.02.2010 йилдаги 54-Қ-сонли қарори билан тасдиқланган ҳудудий зоналар коэффициентларини ҳисобга олсин.

«НМП» №1-500-02

3. 2014 йил 10 январдан бошлаб вилоят ҳокимининг 2012 йил 26 декабрдаги Қ-188-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Раззоқов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Э.Турдимов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM

**Вилоят ҳокимининг**
**2014 йил "9" январдаги**
**5-5 -сонли қарорига**
**1-илова**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM

## 2014 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 1 кв.метрга ижара тўловининг ягона энг кам ставкалари

| Т/р | Фаолият тури кодлари | Ижарага бериладиган майдонидан фойдаланиш мақсади | 1 м.кв учун йиллик ижара ставкаси (сўмда) |
|---|---|---|---|
| | | **САНОАТ** | |
| 1 | 11 200 | Ёқилғи саноати | 2 800 |
| 2 | 13 100 | Кимё саноати | 2 800 |
| 3 | 13 300 | Нефт-кимё саноати | 2 800 |
| 4 | 14 100 | Машинасозлик | 2 800 |
| 5 | 14 200 | Дастгохсозлик ва асбобсозлик саноати | 2 800 |
| 6 | 14 330 | Хисоблаш техника воситалари саноати | 2 800 |
| 7 | 14 400 | Трактор ва кишлок хўжалик машинасозлиги | 2 250 |
| 8 | 14 500 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик | 2 250 |
| 9 | 14 600 | Енгил, озик-овкат саноати ва маиший ускуналар учун машинасозлик | 2 250 |
| 10 | 14 710 | Санитар-техник ва газ ускуналарини ҳамда буюмларини ишлаб чикариш | 2 800 |
| 11 | 14 800 | Металл конструкция ва буюмлар саноати | 2 800 |
| 12 | 14 900 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 2 800 |
| 13 | 14 780 | Машинасозликнинг бошка тармоклари | 2 800 |
| | | **ЎРМОН, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ** | |
| 14 | 15 100 | Ёғоч тайёрлаш саноати | 2 800 |
| 15 | 15 200 | Ёғочга ишлов бериш саноати | 2 800 |
| 16 | 15 300 | Целлюлоза-когоз саноати | 2 800 |
| 17 | 16 100 | Курилиш материаллари саноати | 2 800 |
| | | **ЕНГИЛ САНОАТ** | |
| 18 | 17 100 | Тўкимачилик саноати | 2 800 |
| 19 | 17 200 | Тикувчилик саноати * | 2 800 |
| 20 | 17 300 | Чарм, мўйна ва пойафзал саноати | 2 800 |
| 21 | 17 900 | Енгил саноатнинг бошка ишлаб чикариш турлари | 2 800 |
| | | **ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ** | |
| 22 | 18 100 | Озик-овкат саноати (балик, гўшт, ёғ-пишлок ва сут саноатидан ташкари) | 2 800 |
| 23 | 18 200 | Гўшт ва сут саноати | 2 800 |
| 24 | 18 300 | Баликчилик саноати | 2 800 |
| 25 | 19 210 | Ун-ярма тайёрлаш саноати | 2 800 |
| 26 | 19 220 | Омухта-ем саноати | 2 250 |
| 27 | 19 700 | Озик овкатларнинг бошка турлари | 2 800 |
| | | **САНОАТНИНГ БОШҚА СОХАЛАРИ** | |
| 28 | 19 300 | Тиббиёт саноати. | 2 800 |
| 29 | 19 400 | Полиграфия саноати | 7 850 |
| 30 | 19 740 | Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошка буюмларни | 3 350 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш. | |
| 31 | 19 900 | Саноатнинг хўжалик бошкаруви | 7 850 |
| **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | | | |
| 32 | 21 100 | Дехкончилик (шу жумладан, иссикхоналар) 1 га | 1 126 000 |
| 33 | 21 200 | Чорвачилик | 1 350 |
| 34 | 21 300 | Баликчилик (шу жумладан, урчитувчи корхоналар) 1 га | 1 126 000 |
| 35 | 22 200 | Ветеринария хизмати | 2 800 |
| 36 | 22 300 | Қишлок хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошка ташкилотлар | 2 800 |
| 37 | 30 000 | Ўрмончилик хўжалиги (шу жумладан, боғдорчилик) 1 га | 1 126 000 |
| **ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА** | | | |
| 38 | 51 111 | Умумий фойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти | 2 800 |
| 39 | 51 121 | Транспорт инфратузилмаси (автопарк, таксопарк, автомобиль саклаш жойлари, гаражлар, автомобиль ювиш шахобчалари) | 2 800 |
| 40 | 51 520 | Юк ташиш хизмати ва ахоли буюртмасига асосан бошка транспортэкспедиция хизматлари | 5 050 |
| 41 | 52 100 | Почта алокаси | 2 800 |
| 42 | 52 200 | Курьер алокаси | 5 600 |
| 43 | 52 300 | Электр-сим алокаси | 5 600 |
| 44 | 52 300 | Электр, радио, уяли ва пейджинг алокаси (иншоот ва технологик майдонни киритган холда курилмалар периметри бўйича) | 23 650 |
| **ҚУРИЛИШ** | | | |
| 45 | 60 000 | Қурилиш | 2 800 |
| 46 | 66 000 | Лойиха, лойиха-кидирув ташкилотлари. | 2 800 |
| **САВДО ВА УМУМОВҚАТЛАНИШ** | | | |
| 47 | 71 100 | Улгуржи савдо | 7 850 |
| 48 | 71 130 | Катта партияларда товар (хизмат) сотиш фаолиятини юритувчи улгуржи савдо бозорлари | 20 250 |
| 49 | 71 200 | Чакана савдо | 7 850 |
| 50 | 71 300 | Умумий овкатланиш | 7 850 |
| 51 | 71 200 | Китоб дўконлари | 1 000 |
| 52 | 71 400 | Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш | 7 850 |
| 53 | 71 500 | Халк истеъмол молларини олди-сотдисини амалга оширилишида воситачилик хизмати | 12 350 |
| 54 | 80 000 | Моддий техника таъминоти ва сотилиши | 7 850 |
| 55 | 82 000 | Ахборот-хисоблаш хизмати | 7 850 |
| 56 | 82 100 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш | 7 850 |
| 57 | 83 000 | Кўчмас мулк бўйича муомилалар | 7 850 |
| 58 | 84 300 | Реклама, вакиллик хизмати | 7 850 |
| 59 | 84 400 | Аудиторлик фаолияти | 7 850 |
| 60 | 84 500 | Маркетинг тадкикотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошкарув масалалари бўйича маслахат хизмати | 7 850 |
| 61 | 85 000 | Геология ва ер ости бойликларини кидириш, геодезик ва гидрометеорологик хизмати | 14 000 |
| 62 | 87 100 | Тахририят ва нашриёт | 4 500 |
| 63 | 87 300 | Металл ва бошка чикиндиларни йиғувчи тайёрлов идоралари | 4 500 |
| 64 | 90 100 | Уйжой-коммунал хўжалиги (УЖМШ объектлари) | 4 500 |
| 65 | 90 220 | Мехмонхоналар хўжалиги | 9 000 |
| 66 | 90 300 | Маиший хизматнинг ноишлаб чикариш турлари | 4 500 |
| 67 | 90 300 | Сартарошхона, фотосалон, тикувхона, пойафзал устахонаси | 6 750 |
| 68 | 90 300 | Ломбардлар | 10 100 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 69 | 90 300 | Хаммом | 13 500 |
| 70 | | Сауна | 27 000 |
| **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ** | | | |
| 71 | 91 510 | Соғлиқни сақлаш | 5 600 |
| 72 | 91 600 | Дам олиш ва туризм* | 5 600 |
| 73 | 91 611 | Маданий кўнгил очар марказлари (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва х.к.) | 9 000 |
| 74 | 91 700 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 2 800 |
| 75 | 71 212 | Дорихона**, оптика ва тиббиёт ускуналари сотиш дуконлари | 4 500 |
| **ТАЪЛИМ** | | | |
| 76 | 92 100 | Олий ва ўрта таълим мутахассисларини тайёрлаш (ўқув курсларини ҳисобга олган холда)* | 4 500 |
| 77 | 92 200 | Ишчи, ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш* | 3 900 |
| 78 | 92 310 | Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)* | 2 250 |
| 79 | | Таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил қилиш* | 2 800 |
| 80 | 92 400 | Мактабгача таълим муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун) | 2 250 |
| 81 | 93 000 | Маданият ва санъат* | 7 850 |
| 82 | 93 132 | Кўргазмалар | 6 750 |
| 83 | 93 160 | Маданият ва дам олиш боғлари* | 5 600 |
| 84 | 93 170 | Ботаника боғлари ва зоопарклар* | 5 600 |
| 85 | 93 180 | Телевидение таҳририяти ва радиоалоқа | 5 600 |
| 86 | 93 620 | Киностудия, овоз ёзиш студиялари | 9 000 |
| 87 | 95 000 | Фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 3 350 |
| **МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ** | | | |
| 88 | 96 000 | Молия, кредит (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари), нафақа таъминоти | 7 850 |
| 89 | 96 100 | Банк фаолияти | 7 850 |
| **БОШҚА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ** | | | |
| 90 | 96 200 | Суғурта | 7 850 |
| 91 | 97 800 | Суд ва юридик хизматлар | 6 750 |
| 92 | 97 820 | Адвокатларнинг ҳайъат ва юридик маслаҳатхоналари | 6 750 |
| 93 | 98 000 | Жамоат бирлашмалари | 2 250 |
| 94 | 80 200 | Омборхона биноси | 7 850 |
| 95 | | Давлат ташкилотлари ва муассасалари учун идора (офис) | 3 350 |
| 96 | | Нодавлат ташкилотлар учун идора (офис) | 12 350 |
| 97 | | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари | 9 000 |
| 98 | | Енгил автомобиллар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (жумладан, вулканизациялар) | 9 000 |
| 99 | | Ер ва тупроқ хусусиятини текшириш лабораторияси | 5 600 |
| 100 | | Ҳар хил тўловларни қабул қилиш хизмати (пайнет) | 22 500 |
| 101 | | Маданий мерос объектлари бино-иншоотларида савдони ташкил қилиш | 12 350 |
| 102 | | Маданий мерос объектлари бино-иншоотларида умумий овқатланишни ташкил қилиш* | 10 650 |
| 103 | | Авиа кассалар (шу жумладан, темир йўл, транспорт ва бошқалар) | 12 350 |
| 104 | | Банкоматлар | 112 000 |
| 105 | | Нон ва нон махсулотлари тайёрлаш | 7 850 |

* Шахар ва туман марказларидан узокда жойлашган (2-иловада белгиланган) кишлок ва тоғ районларида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ягона энг кам ставкаси 25% га камайтирилади.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сонли баёни 11-бандига асосан ҚВП (кишлок врачлик пункти) ҳузурида фаолият юритаётган барча мулкчилик шаклидаги дорихона муассасаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам нол ставкаси кўлланилади.

*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли баёни топшириғига асосан ёпик ҳарбий шаҳарчалар ва чекка горнизонларда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошкармасининг куйи бўлинмаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ягона энг кам нол ставкаси кўлланилади.

Иктисодиёт ва ижтимоий
ривожлантириш масалалари
котибияти бош мутахассиси
А.Умедов

Вилоят Ижара маркази ДУК
директори в.б
Д.Мадалиев

Вилоят ҳокимининг
2014 йил “ 9 ” январдаги
К-1-сонли қарорига
2-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM

**Ижара тўловининг ягона энг кам ставкаси
25 фоизга камайтирилиши белгиланган аҳоли пунктлари
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Аҳоли пункти |
|---|---|
| 1. | Учқудуқ тумани |
| 2. | Томди тумани |
| 3. | Нурота туманининг Чуя, Сентоб, Нурота ҚФЙ ва Қизилча аҳоли пунктлари |
| 4. | Хатирчи туманининг Лангар ва Майдонсой аҳоли пунктлари |
| 5. | Конимех туманининг Каракатa, Боймурод, Учтепа, Янгиғазғон аҳоли пунктлари |

Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш
масалалари котибияти бош мутахассиси
А.Умедов

Вилоят Ижара маркази ДУК директори в.б
Д.Мадалиев